

Садақа уни сўровчининг қўлига тушишдан олдин Роббнинг қўлига тушиши ҳақида



10:21 / 26 январь 1043

لَبَّ قَبْرٍ لَدَىٰ يَفْعَلُ وَالْإِيَّاهُ قَدَّصَبُ لُجْرَ قَدَّصَتِ أَم: لِقَدِّ دُعَا سَمِ نَبِهَل لَدَبَّ عَن
عِبَادِهِ عَنِ التَّوْبَةِ يَقْبَلُ هُوَ اللَّهُ أَنْ يَعْلَمُوا أَلَمْ: أَرْقَوْ لِيَّ اسْلَدَىٰ يَفْ أُهُ عَضَىٰ وَهَوْلِيَّ اسْلَدَىٰ يَفْ عَقْتَنَ
الصَّدَقَاتِ وَيَأْخُذُ

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади:

«У: «Ким садақа қилса, тиланчининг қўлига тушишидан олдин Роббул оламиннинг қўлига тушади. Ҳолбуки, у тиланчининг қўлига солган эди», деди ва «Улар, албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан тавбани қабул қилишини ва садақаларни олишини... билмасмидилар?»ни тиловат қилди».

Шарҳ: Мўмин-мусулмон банда садақа қилса, садақа қилинаётган нарсани бир муҳтожга, мискинга узатяпман, деб ўйламаслиги керак. Унинг берган садақаси тиланчининг ёки муҳтожнинг қўлига тушмай туриб, Аллоҳ таолонинг «қўл»ига тушади. Бу жуда улуғ мартабадир. Оятдан далил ҳам турибди, ҳадислар, саҳобаларнинг сўзлари турибди, демак, садақа биз ўйлагандек, оддий нарса эмас экан.

Садақа жуда эътиборли нарса, унинг катта-кичиги бўлмайди. Зотан, «садақа» сўзи «сидқ», «содиқ» сўзларидан олинган бўлиб, банданинг иймони борлигини тасдиқловчи амал, деган маънони билдиради. Кишининг иймони, Аллоҳ таолога ишончи бўлса, қилаётган хайр-эҳсонининг савобидан қалбида умидворлик туйғуси бўлса, берган садақаси ана шу туйғуларнинг чин эканлигини тасдиқлайди. Шунинг учун бу гўзал амал «садақа» деб аталади. Бўлмаса, мол-дунё беришни «нафақа» ҳам, «хайр-эҳсон» ҳам дейиш, турлича номлаш мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси умумлаштирилиб, «садақа» дейилган. Садақа иймоннинг, эҳсоннинг, қалбдаги мурувватнинг ва бошқа кўплаб хайр-баракотларнинг тасдиғидир.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида айтади:

«Улар, албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан тавбани қабул қилишини ва садақаларни олишини ва албатта, Аллоҳнинг Ўзи тавбаларни кўплаб қабул қилувчи, раҳмли Зот эканини билмасмидилар?» (104-оят)

Яъни бу ишларни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина қилади. Бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шунинг учун «Расулulloҳ бизни кечириб, ечмагунларича, ўзимизни ечмаймиз», деганларни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан амр бўлмагунча ечмай турдилар. Чунки у зот соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳам бунга ҳақлари йўқ эди.

Улар садақаларини олиб келганларида, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан амр бўлмагунча олмай турганларининг сабаби ҳам шунда.

Ҳа, тавбани ҳам, садақани ҳам фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина қабул қилади.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 2-жуз.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида чоп тайёрланди.